

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ DSc.27.06.2017.Ох.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

АХМЕДОВ ШАХРИЁР ЭГАМНАЗАРОВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА
ДЕФЛЯЦИОН ЖАРАЁНЛАР, УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТЛАРИ**

06.01.01-Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.2.PhD/Qx.81 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий
рахбар:**

Мирзажонов Қирғизбой Мирзажонович
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, академик

**Расмий
оппонентлар:**

Саломов Шавкат Турабович
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, катта илмий ходим

Нарқулов Усмон Норқулович
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2018 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ-қовоқ қ.ф.й, ЎзПТИТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 1422 22 36; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: g.selek@qsxv.uz)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ-қовоқ қ.ф.й, ЎзПТИТИ кўчаси.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж. Тешаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., катта илмий ходим

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича қишлоқ хўжалигида дефляция ва деградацияга учраган майдонлар салмоғи ортиб бормоқда. Ирригация ва шамол эрозияси, шўрланиш, ифлосланиш, ботқоқлашиш ҳамда чўкиш жараёнлари таъсирида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашмоқда ва тупроқ унумдорлиги пасайишига сабаб бўлмоқда¹. Шамол эрозияси таъсирида дунё бўйича 28 фоиздан ортиқ экин майдонлари турли даражада зарар кўриб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг камайишига олиб келмоқда.

Дунёнинг пахта етиштирувчи мамлакатларида тупроқни шамол эрозиясидан ҳимоялаш натижасида даланинг микроиклимни мақбуллашуви, тупроқнинг намлик ва озика режимларини яхшиланиши, суғориш сувини тежалиши, пировардида пахта ҳосили ва тола сифати ошиши кузатилган. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалиги экинлари ва тупроқни шамол эрозиядан сақлаш, турли захарли кимёвий моддаларни шамол орқали учиб экин майдонларига зарар етказишни камайтириш, экологик ҳолатни соғломлаштириш ва дефляцион жараёнларни олдини олиш бўйича изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида шамол эрозияси жараёнларини олдини олиш орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш ва атроф-муҳитни ҳар хил кимёвий моддалар билан ифлосланишини камайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ҳосил салмоғи ва маҳсулот сифатининг оширишга эришилмоқда. Суғориладиган ерларни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашда шамол эрозияси жараёнларини салбий таъсирини камайтириш муҳим аҳамият касб этади. Қум тепаликлар, барханлар ва қум тупроқлар минтақаларида тезлиги кучли (>15 м/с) ва ундан тез эсадиган шамолларни пахта майдонларига зарарини камайтиришда ихота дарахтзорларини барпо этиш, кулис (тўсиқ) экинларни экиш ва шамол эрозиясига қарши агротехник тадбирларни қўллаш юқори самара беради. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «3.3 Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш» муҳим вазифаларидан бири қилиб белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, республикамизда пахта майдонларини шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш натижасида тупроқ унумдорлигини сақлаш, чигитни қайта экишни камайтириш, уруғ сарфи, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва ишчи кучини тежашга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-

¹<http://www.fao.org/docrep/018/i17928ri17928r024.pdf>.

тадбилари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 ноябрдаги 261-сон «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг асосий устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устивор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Қум массивларида шамол эрозиясига қарши механик, биологик, кимёвий ва комбинациялашган ҳолатдаги чоралар қўллаш бўйича республикада бир қатор олимлар, жумладан Қ.Мирзажонов, И.Зеленин, А.бдурахмонов, Ғ.Юлдошев ва бошқалар ҳамда хорижда S.Maasen, D.Balla, J.Andersson, B.Wedding, A.S.Qureshi, M.Qadir каби олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган. Қашқадарё вилоятининг тезлиги кучли шамоллар эсадиган, тақирсимон тупроқлар минтақасида, шамол эрозиясига учраган худудларда, шамол эрозиясига қарши агротехник тадбирларни қўллаш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг илмий иш бажарилган илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялар илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг А-051 «Мулкчиликнинг янги шаклига ўтган фермер ва бошқа турдаги хўжаликларда ердан унумли фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ҳамда экинлар ҳосилдорлигини ошириш» (2007-2009 йй.); ҚХА-7-026 «Қум тепаликлар ва барханлар текисланиб, экин экиладиган ерларда шамол эрозиясига қарши кураш, оптимал сув режимини ишлаб-чиқиш» (2009-2011 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида амалга оширилган.

Тадқиқот мақсади Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида шамол эрозиясига қарши кураш орқали тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва уни унумдорлигини сақлаш ҳамда ошириш, юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш агротехник тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

кучли шамол эрозиясига учрайдиган худудлар тупроғининг агрофизикавий, сув-физик ва агрокимёвий хоссаларини ўрганиш;

ғўзани кучли шамол эрозиясига учрайдиган худудларда етиштиришнинг мақбул агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш;

шамол эрозиясига учрайдиган ҳудудларда ғўзани етиштиришни мақбул агротехник тадбирларининг тупроқ унумдорлиги ва уни мелиоратив ҳолатига таъсирини аниқлаш;

кучли шамол эрозиясига учрайдиган ҳудудларда ғўзани етиштиришни мақбул агротехник тадбирларининг ўсимликни ўсиши, ривожланиши ва пахта ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқот обекти сифатида Қашқадарё вилоятининг суғориладиган тақирсимон тупроқлари, шамол эрозиясига чалинган ва чалинадиган ҳудудлар, ғўзанинг «Бухоро-6», оқ жўхорининг «Ўзбекистон-18» ва кунгабоқарнинг «Чкаловский гигант» навлари олинган.

Тадқиқот предмети суғориладиган тақирсимон тупроқлар шароитида, оқ жўхори ва кунгабоқардан ташкил қилинган кулис (тўсиқлар) орқали улар орасига экилган ғўзани шамол эрозиясидан тўсиш ҳамда сақлаш қобилияти, пахта ҳосили ва тола сифатини аниқлашдан иборат бўлиб ҳисобланди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда барча кузатув, ўлчов ва таҳлиллар ПСУЕАИТИ (ЎЗПИТИ)да қабул қилинган «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмалар асосида олиб борилди. Дала тажрибалардан олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида (Б.А.Доспехов) услубий қўлланмалари асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё вилоятининг Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Деҳқонобод ва Чироқчи туманлари шамол эрозиясидан зарарланмаслиги, Қамаши, Ғузор, Қарши, Нишон туманлари шамол эрозиясидан ўртача зарарланиши ва Муборак, Миришкор, Косон ва қисман Касби туманлари кучли зарарланиши аниқланган;

дефляция жараёнлари рўй берадиган суғориладиган тақирсимон тупроқларнинг генетик-морфологик кўрсаткичи, агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари ҳамда мелиоратив ҳолати аниқланган;

кучли шамол эрозиясига учрайдиган ҳудудларда кулис учун экилган оқ жўхори ва кунгабоқарнинг тупроқ ва ғўзани шамол эрозиясидан ҳимоя қилиши илмий асосланган;

шамол эрозиясига учрайдиган ҳудудлардаги тақирсимон тупроқлар шароитида ғўзани парваришланишнинг мақбул агротехникаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: қуйидагилардан иборат:

тупроқ ва ғўзани шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш натижасида тупроқнинг унумдор қатлами ва чангсимон қисми сақланиб қолиши, чигитни қайта ёки қисман қайта экиш тадбирлари қисқариши, ортиқча уруғ сарфланиши, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва ишчи кучи тежалишига эришилди;

оқ жўхори ва кунгабоқар кулиси (тўсиғи) орасидаги микроклимнинг мўтадил ҳолга келиши натижасида тупроқ намлигининг сақланиши, суғориш суви тежалиши, пировардида гектаридан 4-5 центнергача қўшимча пахта ҳосили олишга эришилди;

кучли шамоллар эсганида тупроқ билан бирга экин майдонига турли захарли кимёвий моддалар ҳавога кўтарилиб, атроф-муҳитни ифлослантиришини камайтиришга кулислар (тўсиқ) орқали баратараф этилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала ва лаборатория усулларидадан фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибалар натижаларини миллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳолангани ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга, ғўза ва тупроқни эрозиядан ҳимоя қилиш учун оқ жўхори ҳамда кунгабоқардан қилинган кулис (тўсиқларнинг) қўллаш соҳасидаги илмий ишларда кенг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва ҳалқаро илмий конференцияларда қилинган муҳокамалар натижаларининг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дефляция жараёнлари рўй берадиган суғориладиган тақирсимон тупроқларнинг генетик-морфологияси ва агрофизикавий-агрокимёвий ҳамда мелиоратив ҳолати аниқланиб, ғўза ва тупроқни эрозиядан ҳимоя қилиш учун оқ жўхори ва кунгабоқардан қилинган кулис (тўсиқнинг) илмий тадқиқи билан изоҳланади.

кучли шамол эрозиясига учрайдиган ҳудудларда кулис учун экилган оқ жўхори ва кунгабоқарнинг тупроқ ва ғўзани шамол эрозиясидан ҳимоя қилиши илмий асосланган;

шамол эрозиясига учрайдиган ҳудудлардаги тақирсимон тупроқлар шароитида ғўзани парваришланишнинг мақбул агротехникаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида шамол эрозиясига қарши агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

тақирсимон тупроқларда шамол эрозиясига қарши кулис (тўсиқ) сифатида оқ жўхори экиб, унинг тезлигини камайтириш ҳамда тупроқ ва ғўзани ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган агротехник тадбирлар 2014-2016 йилларда Қашқадарё вилояти, Косон туманидаги «Илк орзулар маҳсули», «Имконият даражасида» ва «Чироқчи равнақ-бахт» фермер хўжаликларида жами 80 гектар пахта майдонига жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 10 ноябрдаги 02/20-582-сон маълумотномаси). Шамол эрозиясидан ҳимоя қилиниши натижасида пахта ҳосилдорлиги 4-5 центнерга ортган.

шамол эрозиясига қарши кулис (тўсиқ) сифатида кунгабоқар экини

экиб тупроқ ва ғўзани химоя қилиш бўйича ишлаб чиқилган агротехник тадбирлар Қашқадарё вилояти Косон туманидаги «Холматов Жуманиёз», «Зоҳид Жаҳонгирович» фермер хўжаликларида жами 45 гектар пахта майдонига жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 10 ноябрдаги 02/20-582-сон маълумотномаси). Натижада кулислар орасидаги микроиклим мақбуллашган, тупроқ намлиги яхшиланган, суғориш суви тежалган ва гектаридан 4-5 центнергача қўшимча пахта ҳосили олинган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Дала тажрибалари Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти олимлари томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий анжуманларда 4 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий мақолалар чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган ҳамда 1 та монография нашр эттирган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 варакни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблилиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қумларни механик ва комбинация йўли билан тўхтатиш усулларида фойдаланиб экинлар парваришлагга оид илмий адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, ғўза ва тупроқни эрозиядан химоя қилиш учун оқ жўхори ҳамда кунгабоқардан қилинган кулис (тўсиқларнинг) қўллашнинг тупроқ унумдорлигига аҳамияти, аҳолини кундалик озиқ-овқат талабларини қондирадиган дон экинларини етиштиришда, тупроқ унумдорлигини

сақлашга ҳамда оширишга хизмат қилиши борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнгги саҳифасида Қашқадарё вилоятида тарқалган, суғорма деҳқончилик билан шуғулланадиган кучли шамол эсиб, чанг бўронларини келтириб, экинларга зарар келтирадиган зонада дефляцион жараёнларга қарши агротехник чоралар, экинларни парваришда юқори ва сифатли ҳосил ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарали агротехнология ишлаб чиқиш бўйича муаммолар мавжудлиги ва Республика фермер хўжалиқларида жорий қилиш кераклиги бўйича хулоса қилинган.

Диссертациянинг **«Қашқадарё вилояти ҳудудида об-ҳавоси ва тезлиги кучли шамоллар ва уларнинг эсиш томони»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари баён қилинган.

Қашқадарё вилоятининг Қарши чўлида тупроғи оч тусли бўз, механик таркиби энгил тупроқдан иборат. Қарши чўлида сизоб сувлари сатҳи шарқда 10-30 м, ғарбда 5-20 м, суғориладиган ерларда, табиий пастликларда 1-10 м чуқурликда, минерализацияси 1-2,5 г/л ва ундан ҳам ортик, таркибида сульфат тузлари мавжуд. Қарши чўлининг шарқида чала чўл зонасида оч тусли бўз, ғарбда чўл зонасида шўрланиш даражаси ҳар хил бўлган тақирсимон, тақир, сур кўнғир Шурсой, Чорағил ботиқларида ва узансимон пастликларда шўртоб, шўрхок, дарё бўйларида, пас сойликларда ва суғориладиган ерларда ўтлоқи тупроқлар тарқалган.

Дала тажрибалари Қарши чўл зонасида ўтказилиб, илмий-тадқиқотлар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланмалари асосида олиб борилиб, тажрибалардан олинган маълумотларга статистик ишлов бериш (Б.Доспехов) услубий қўлланмаси бўйича дисперсион таҳлил асосида ҳисоблаб чиқарилганлиги баён қилинган.

Диссертациянинг **«Шамол эрозиясига қарши курашда, тупроқ унумдорлиги, тўсиқ сифатида экилган экинларнинг ўсиш ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири»** деб номланган учинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган барча йилларида тупроқдаги ҳаракатчан ва ялпи озика унсурлар миқдорлари экинларнинг турларига қараб қисман ўзгариб бориши кузатишлар олиб борилгани келтирилган.

Тадқиқот ўтказилган тақирсимон тупроқларнинг агрохимёвий хоссалари: гумус ҳайдов 0-30 см қатламида 0,584, ҳайдов ости 30-50 см қатламида – 0,517, азот горизонтларга тегишлича 0,035; 0,029; фосфор – 0,078, 0,067% га баробар. Ҳаракатчан азот ҳайдов 0-30 см қатламида – 13,4, ҳайдов ости 30-50 см қатламида – 12,1, фосфор 8,7, 7,6; калий 120, 110 мг/кг. Ҳамма элементлар жуда паст, юқори ҳосил олиш учун юқори миқдордаги ўғит талаб этилади. Тупроқ кучсиз шўрланганлиги намоён бўлди.

Шамол эрозияси нуқтаи назардан вилоят ҳудудини гуруҳлаш:

Вилоят ҳудудида жойлашган гидрометеостанциялар маълумотлари ва шахсий текшириш асосларида вилоят ҳудудини 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

I-I-гуруҳ: экин ва тупроқ шамол эрозиясидан кам зарар кўради. Бунда Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Деҳқонобод ва Чирокчи туманларидир. Бу туманларда асосан типик, тўқ тусли бўз, ўтлоқи аллювиаль, жигарранг тупроқлари ривожланган.


I-II-гуруҳ: экин ва тупроқ шамол эрозиясидан ўртача зарар кўради. Бу гуруҳда Қамаш, Ғузор, Қарши, Нишон (вилоятнинг ўрта ғарбида жойлашган ерлар) туманлари жойлашган.

I-III-гуруҳ: экин ва тупроқ шамол эрозиясидан кучли зарар кўради: булар Муборак, Миришкор, Косон ва қисман Касби туманларидир. Бу туманлар ҳудудида асосан тақирсимон, суғориладиган, тақирсимон, тақир, сур тусли кунғир, жуда кам сахро кумлоқ тупроқлари ривожланган. Биринчи гуруҳдаги интрузион (ўтлоқи аллювиал) ҳудудида дефляция жараёнлари кучсиз, қолган гуруҳларда ўртача ва кучли. Эрозияга қарши кураш олиб боришни лойиҳалаштириш учинчи гуруҳдан бошланиши керак. Тажрибалар учинчи гуруҳ ҳудудида, Косон туманида бажарилди.

Диссертациянинг «**Суғориладиган тақирсимон тупроқларнинг хоссалари**» бўлимида тупроқнинг механик таркиби 0-85 см қаватгача оғир, ўрта қумоқ, пасти енгил қумоқ. Тажриба олиб борилган, суғорилиб деҳқончилик қиладиган эологен тақирсимон тупроқларнинг 0-75 сантиметргача механик таркиби оғир қумоқ бўлиб, пастки қисми (115 см) енгил қумоқдан иборат. Пастки горизонт тупроғининг енгилга айланиши бу тупроқларнинг аллювиал генезисидан дарак беради. Пастки горизонтнинг механик таркиби енгил бўлганлиги сабабли шўр ювиш осонроқ кечади.

Диссертациянинг 1, 2, 3, 4, - расмларида 2007-2008 йиллар мобайнида ғўза, оқ жўхори ва кунгабоқар экилган майдонларни тупроқнинг ҳажм массаси бўйича маълумотлар акс эттирилган.


2007 йил келтирилган маълумотлар асосида тупроқнинг ҳажм оғирлиги амал бошида 0-30 см қатламда $1,39 \text{ г/см}^3$, 0-50 см да $1,40 \text{ г/см}^3$ га тенг бўлган бўлса, ўсув даври охирига келиб, ҳар бир вариантлардан аниқланганда ғўза ва кулис сифатида оқ жўхори экилган тажриба назорат вариантыда 0-30 см да $1,39 \text{ г/см}^3$, 0-50 см да $1,40 \text{ г/см}^3$ ни ташкил қилди, оқ жўхори – 2160 м^2 , ғўза 7840 м^2 да ерни банд этганда юқоридагиларга мос ҳолда $1,38$; $1,38 \text{ г/см}^3$, оқ жўхори – 1800 м^2 , ғўза 8200 м^2 да ва оқ жўхори – 1440 м^2 , ғўза 86 фоизда юқоридаги кўрсаткичларга яқин бўлди. Лекин, амал даври охирида бу кўрсаткич бир мунча кўпайганлиги аниқланди.



1-расм. 2007 йил ғўза ва оқ жўхори экилган далада тупроқ хажм массасини ўзгариши.


С.Н.Рижов, С.П.Кондратюк, В.В.Гуссак, М.Умаров, Қ.Мирзажонов ва бошқалар маълумотига қараганда ғўза, буғдой ўсимлигини яхши ўсиб, ривожланиши учун унинг оптимал массаси 1,1-1,2 г/см³ бўлиши керак. Қум тупроқларда 1,4 г/см³ бўлиши мумкин. Тупроқнинг сув, ҳаво, иссиқлик режимлари, микробиологик ҳоссалари оптималлашиб, озиқа режими яхшиланиб, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши ҳам яхшиланиб, ҳосилдорликнинг ошишига замин бўлади.

Тажриба ўтказишнинг иккинчи йилининг амал боши даврида тупроқ ҳажми массасининг бироз камайган (ҳайдов қатламида) бўлса, лекин, вегетация охирига келиб, бу кўрсаткич яна ошган.



2.- расм. 2007 йил ғўза ва кунгабоқар экилган далада тупроқ хажм массасини ўзгариши.

Агар юқорида номлари зикр этган олимлар айтганига амал қилсак, тажриба даласи тупроқларининг ҳажм оғирлиги унчалик яхши эмаслигини кўрамиз, бу тақирсимон тупроқларга хос кўрсаткичлар. Вегетация даврида экинга сув қўйилганда псевдоагрегатлар диспергацияга учраб, майдаланиб, боз устига трактор ғилдираклари босиши натижасида бу кўрсаткични янада зичлашганини гувоҳи бўламиз ва хоҳланки, ҳажм оғирлиги юқорида айтганимиздек, тупроқнинг сув, ҳаво, иссиқлик, микроорганизмларнинг фаолияти, ўсимлик озикланиш режимига жиддий таъсир этади.




3- расм. 2008 йил ғўза ва оқ жўхори экилган далада тупроқ ҳажм массасини ўзгариши.

Илмий ишда текисланган қум тепаликлар, барханларда ғўзани сувга бўлган талабини қўл рефрактометри билан аниқлаш, қумларни текислашда уларнинг қаттиқ тупроқ (механик таркиби “оғир” тупроқлар устига дефляция жараёнлари натижасида асосий тупроқ устига қумлар тўпланган) устига қумларни ёйишда уларнинг чуқурлиги қанча бўлиши кўрсатиб берилган бўлсада, бу маълумотлар шуни кўрсатдики, қум тепаликлар, барханларни ўзлаштиришни илмий асослаш ҳали тугамаган эди.

Тупроқнинг ҳажм массаси унинг юмшоқлиги ёки қаттиқлиги, ҳаво, сув, микробиологик, иссиқлик режимларини белгилайди. Энг оптимал ҳажм массаси 1,1-1,2 г/см³ бўлиши мумкин. Тажриба ўтказилган дала тупроқларида у хайдов, яъни 0-30 см қатламда 1,39, 30-50 см – 1,40 г/см³ га баробар бўлиб, оптимал вариантдан бироз ошган. Кейинги йилларда ҳам шунга ухшаш маълумотлар олинди.

Ўсимликнинг ўсиш ривожланишида тупроқ намининг аҳамияти бебаҳодир. Ўсимликларнинг амал даври бошида ва охирида тупроқнинг сув ўтказиш қобилияти бўйича олиб борган кузатувларда, эологен

тақирсимон тупроқларнинг ўзидан сув ўтказиш қобилияти 1- жадвалда баён этилган бунда 2007 йилда амал даври бошида ғўза ва оқ жўхори экилган тажрибада 6 соат давомида назорат (очиқ дала ғўза ниҳоллари шамолдан ҳимоя қилинмаган) вариантда 615 м³га тупроқнинг ўзидан сув ўтказиши аниқланиб амал даври охирига келиб 443 м³гани ташкил этган. Ўтказилган кузатувлар натижаларига асосан тадқиқот майдонидаги йиллар мобайнида сувнинг сарфини камайтиришга 3-вариантда эришилган бўлиб, бунда 391-415 м³/га гача бўлганлиги кузатилди. Бошқа вариантларга нисбатан 14-45 м³/га гача иқтисод қилинди.



4- расм. 2008 йил ғўза ва кунгабоқар экилган далада тупроқ ҳажм массасини ўзгариши

Ғўза ва оқ жўхори экилган тажрибада биринчи суғориш 1250 м³/га берилган бўлса, иккинчи суғоришда 1210 м³/га ва учинчи суғоришда 1260 м³/га, мавсумий суғориш меъёри 3720 м³/га, ғўза ва кунгабоқар тажрибасида юқоридагиларга мос ҳолда 1220; 1190 ва 1230 м³/га, мавсумий суғориш меъёри 3640 м³/га ёки ғўза ва оқ жўхори тажрибасига нисбатан 120 м³/га кам сув берилганлиги кузатилди шунга ўхшаш маълумотлар 2008 ва 2009 йилларда ҳам кузатилди.

Диссертациянинг “**Оқ жўхори ва кунгабоқар билан эрозиядан ҳимоя қилинган ғўзанинг ўсиш ва ривожланиши**” бўлимида тадқиқот ўтказилган йиллари барча экин турлари бўйича фенологик кузатувлар олиб борилиб, таҳлил қилинган. Назоратда ғўзанинг ўртача бўйи 1.06 да 23,4, 1.07 – 63,2, 1.08 – 78,4 см, ҳосил шоҳи 1.08 да – 9,8, тугунча 2,3, гул – 2,3, 1.09 да кўсак сони 9,4 ва шундан очилгани 4,2 донага тенг бўлди.

Бир гектар ерда 7840 м² ғўза, 2160 м² тўсиқ сифатида оқ жўхори экилган вариантда ғўзани бўйи, шоҳи ва ҳосил элементларга мос ойлар бўйича 24,3; 63,5; 8,3; 8,1; 79,5; 10,1; 2,6; 2,5; 9,4; 9,8; 4,5, оқ жўхори 1800 м², ғўза 8200 м² да 24,5; 63,9; 8,6; 8,4; 79,9; 10,5; 2,8; 2,7; 9,8; 10,2 ва 4,7.

Келтирилган маълумотлардан маълум бўлдики, ғўза эрозион жараёнлардан оқ жўхори билан химоя қилинганда ғўзанинг ўсиш ва ривожланиши яхшиланган ва вариантлар орасида бир гектар ерни 1800 м² ни оқ жўхори, 8200 м² ни ғўза эгаллаганда яхшироқ натижаларга эришилган.

1-жадвал

Тақирсимон тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, м³/га

т/р	Вариантлар	Тажриба даласи тупроғининг 6 соат давомида сув ўтказувчанлик қобилияти, м ³		
		2007 йил	2008 йил	2009 йил
Амал даври бошида		615	474	360
Вза ва оқ жўхори экилган тажрибада				
1	Назорат (очиқ дала ғўза ниҳоллари шамолдан химоя қилинмаган)	443	409	460
2	Оқ жўхори-2160 м ² , ғўза-7840 м ²	407	405	436
3	Оқ жўхори-1800 м ² , ғўза-8200 м ²	410	391	415
4	Оқ жўхори-1440 м ² , ғўза-8640 м ²	445	405	422
Вза ва кунгабоқар экилган тажрибада				
1	Назорат (очиқ дала ғўза ниҳоллари шамолдан химоя қилинмаган)	420	439	450
2	Кунгабоқар -2160 м ² , ғўза-7840 м ²	415	415	426
3	Кунгабоқар -1800 м ² , ғўза-8200 м ²	399	404	412
4	Кунгабоқар -1440 м ² , ғўза-8640 м ²	300	414	418

Вза кунгабоқар билан, эрозиядан химоя қилинганда ҳам, кунгабоқар 2160 м², ғўза 7840 м² ерни эгаллаганда энг яхши натижаларга эришилиб, назоратда нисбатан 1.09 да кўсақлар сони 9,6, шундан очилгани 5,2 дона,

айтилган оптимал вариантда эса 10,1 ва 5,6 донани ташкил этади (2 – жадвал).

Шамол эрозиясига қарши тўсиқ сифатида экилган оқ жўхорининг бўйи 165 см ораликда бўлиб, бир дона ўсимликдаги дон ҳосили ўртача 165,7 граммни ташкил этади. Кунгабоқарнинг бўйи ўртача 167,8 см, бир дона кунгабоқарда ўртача – 166,2 дан дон бўлганлиги аниқланди.

2-жадвал

Тақирсимон тупроқлар шароитида оқ жўхори ва кунгабоқар билан эрозиядан ҳимоя қилинган ғўзанинг ҳосил тўплашига таъсири

Вариантлар	2007 йил		2008 йил		2009 йил	
	Кўсаклар сони, дона	Шу жумладан очилгани, дона	Кўсаклар сони, дона	Шу жумладан очилгани, дона	Кўсаклар сони, дона	Шу жумладан очилгани, дона
Ғўза ва оқ жўхори экилган тажриба бўйича						
Назорат (очиқ дала ғўза ниҳоллари шамолдан ҳимоя қилинмаган)	6,8	3,2	7,5	3,8	8,4	4,2
Оқ жўхори-2160 м ² , ғўза-7840 м ²	8,4	4,1	9,1	4,1	9,8	5,2
Оқ жўхори-1800 м ² , ғўза-8200 м ²	8,9	4,2	9,5	4,3	10,2	5,5
Оқ жўхори-1440 м ² , ғўза-8640 м ²	8,5	3,8	9,2	4,2	9,9	4,9
Ғўза ва кунгабоқар экилган тажриба бўйича						
Назорат (очиқ дала ғўза ниҳоллари шамолдан ҳимоя қилинмаган)	6,2	6,5	7,5	3,7	8,2	4,1
Кунгабоқар-2160 м ² , ғўза-7840 м ²	7,4	8,2	9,0	4,1	9,6	5,2
Кунгабоқар-1800 м ² , ғўза-8200 м ²	7,9	8,9	9,2	4,2	10,1	5,6
Кунгабоқар-1440 м ² , ғўза-8640 м ²	7,5	8,3	9,0	4,1	9,7	5,0

Ғўза ва тупроқни шамол эрозиясидан оқ жўхори орқали ҳимояланмаганда 2009 йилда ҳосил назоратда 32,6, оқ жўхори 2160 м², ғўза 7800 м² ерни эгаллаганда – 37,1, оқ жўхори 1800 м², ғўза 8200 м² ерни

эгаллаганда 39,2 ва оқ жўхори 1440 м², ғўза 8600 м² ерни эгаллаганда 35,5 ц/га пахта хомашёси териб олинди (3-жадвал).

Ғўза ва тупроқ кунгабоқар билан ҳимоя қилинганда оқ жўхорига ўхшаб, энг яхши вариант ерни 1800 м² ни кунгабоқар экини, 8200 м² ғўза эгаллаганда олиниб, назоратда ғўза ҳосили 31,9, оптималь вариантда эса гектар ҳисобида 38,0 центнер ҳосил олинди.

3-жадвал

Тақирсимон тупроқлар шароитида оқ жўхори ва кунгабоқар билан эрозиядан ҳимоя қилинган ғўзанинг ҳосил тўплашига таъсири

Вариантлар	2007 йил		2008 йил		2009 йил	
	Жам и ҳосил, ц/га	Қўшимч а ҳосил, ц/га	Жам и ҳосил, л, ц/га	Қўшимч а ҳосил, ц/га	Жами ҳосил, ц/га	Қўшим ча ҳосил, ц/га
Ғўза ва оқ жўхори экилган тажриба бўйича						
Назорат (очик дала ғўза ниҳоллари шамолдан ҳимоя қилин-маган)	26,9	-	29,5	-	32,6	-
Оқ жўхори-2160 м ² , ғўза-7840 м ²	31,6	4,7	34,0	4,5	37,1	4,5
Оқ жўхори-1800 м ² , ғўза 8200 м ²	33,2	6,3	36,6	7,1	39,2	6,6
Оқ жўхори-1440 м ² , ғўза-8640 м ²	31,8	4,9	35,5	6,0	35,5	2,9
НСР 05=	0,31		1,05		0,98	
НСР 05 %=	1,00		3,10		2,72	
Ғўза ва кунгабоқар экилган тажриба бўйича						
Назорат (очик дала ғўза ниҳоллари шамолдан ҳимоя қилин-маган)	26,2	-	29,0	-	31,9	-
Кунгабоқар-2160 м ² , ғўза-7840 м ²	31,6	5,4	33,7	4,7	35,9	4,0
Кунгабоқар-1800 м ² , ғўза-8200 м ²	31,9	5,7	35,9	6,9	38,0	6,1
Кунгабоқар-1440 м ² , ғўза-8640 м ²	30,4	4,2	34,4	5,4	37,1	5,2
НСР 05=	0,77		1,08		1,22	
НСР 05 %=	2,58		3,34		3,42	

Диссертациянинг «Ѓўзанинг ҳамда кулис сифатида экилган экинларнинг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида баён этилган. Тажриба даласида “Бухоро-8” ғўза нави экилиб, 1 тонна пахта хомашёсининг нархи 70-03-04,2012 сонли харид нарҳига асосланди:

Ѓўза ва тупроқ шамол эрозиясидан оқ жўхори билан ҳимоя қилинмаган (назорат) 10000 м² ердан олинган умумий даромад ўртача йиллар мобайнида 90131,2 сўм, ғўзани майдони 7840 м², қолганини оқ жўхори эгаллаган ердан олинган соф даромад – 779850,2 ёки назоратга нисбатан кўшимча даромад – 689719 сўмни, ерни 8200 м² ни ғўза эгаллаган ердан 801233,2 сўм, кўшимча даромад – 711102 сўм, 8600 м² ғўза эгаллаган ердан эса умумий даромад 618489,2 сўм ни ташкил этиб, кўшимча даромад 828358 сўмга баробар бўлди.

Ѓўзани кунгабоқар билан шамол эрозиясидан ҳимоя қилинган ерни 8200 м², кунгабоқар 1800 м² эгаллаган ердан умумий даромад 1466162,9 сўм, кўшимча даромад 1421608,7 сўм кўп даромад олинди.

ХУЛОСАЛАР

1. Қашқадарё вилояти ҳудудини уч зонага бўлиш мумкин: биринчи қисми тоғ, тоғ олди қисми бўлиб, бу зонада типик, тўқ тусли бўз, тоғ жигарранг тупроқлар жойлашган, бу зонада асосан сув эрозияси тарқалган; иккинчи вертикал зона оч тусли бўз, интрозонал ҳолатда, ўтлоқи-аллювиал тупроқлар. Тоғ, тоғ олди қисмида (адрларда) сув эрозияси, бўз тупроқлар ҳудудида тарқалган ирригация эрозияси; учинчи саҳро зонасида шамол эрозияси намоён бўлади.

2. Шамол эрозиясини келиб чиқишига иқлимий шароит яратади – саҳро зонасида ҳаммаси бўлиб, ўртача 80-100 мм ёғин ёғади. Бу ёғинлар асосан кеч куз, қиш ва эрта баҳорда ёғади. Йиллик эвапотранспирация ёғинга нисбатан 10-12 марта ортиқ.

3. Ёғингарчиликнинг кам бўлиши, ер устини куриб қолиши, тезлиги кучли (>15 м/с) ва ундан тез шамолларнинг эсиши, тупроқнинг механик таркибини енгиллиги дефляциян жараёнларни келтириб чиқаради.

4. Тақирсимон тупроқларнинг “Сандиқли” кум массиви билан чегарадош бўлганлиги натижасида тезлиги кучли шамоллар пайтида кумлар ҳаракатга келиб, бу тупроқлар устида ёйилиши натижасида тупроқнинг механик таркибини бироз енгиллашиши, шамол эрозиясининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

5. Тажриба даласи тақирсимон тупроқлар шароитида, шамол эрозиясига қарши курашда ғўза ва оқ жўхори экилган тажриба назорат вариантыда тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 см.да 1,39 г/см³, 0-50 см.да 1,40 г/см³ ни ташкил қилди, оқ жўхори-2160 м², ғўза 7840 м²да юқоридагиларга мос ҳолда 1,38; 1,38 г/см³, оқ жўхори-1800 м², ғўза 8200 м²да 1,40; 1,39 г/см³ ни, оқ жўхори-1440 м², ғўза 86 фоизда 1,40; 1,41 г/см³ ни ташкил қилган ёки амал даври бошига нисбатан оқ жўхори 2160 м², ғўза 7840 м²да

0,01 дан 0,02 г/см³ кўп эканлиги, қолган вариантларда ўзгариш сезилмаганлиги кузатилди. Бу хилдаги ҳажм масса оптимальдан оз бўлсада кўпроқ.

6. Ғўза, оқ жўхори ва кунгабоқар экилган тажрибада, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги назорат вариантыда биринчи соатда 140 мм ни, кунгабоқар-2160 м², ғўза 7840 м²да 110 мм ни, кунгабоқар-1800 м², ғўза 8200 м²да 120 мм ни, кунгабоқар-1440 м², ғўза 86 фоизда 130 мм ни ташкил қилганлиги аниқланди. Тупроқнинг сув ўтказиш қобиляти ўртачадан, вегетация охирида паст даражага ўтиб қолган.

7. Ғўза оқ жўхори ва кунгабоқар экилган тажрибада назорат вариантыда ялпи азот-0,057; 0,053, фосфор-0,088; 0,084, чиринди 0,541; 0,523 фоизни, тўсиқ ҳосил қилинган кулис орқали кунгабоқар-2160 м², ғўза 7840 м² ташкил қилиб экилган вариантда ялпи азот-0,052; 0,048, фосфор-0,079; 0,073, чиринди 0,533; 0,51800 м²ни, кунгабоқар-1800 м², ғўза-8200 м² вариантда ялпи азот-0,051; 0,049, фосфор-0,084; 0,081, чиринди 0,527; 0,511 фоизни, кунгабоқар-1440 м², ғўза 8640 м² вариантда ялпи азот-0,053; 0,047, фосфор-0,078; 0,068, чиринди 0,523; 0,507 фоизни ташкил этган. Тажриба ўтказиш даврида барча кўрсаткичлар жуда кам миқдорда ўзгарганлиги намоён бўлди.

8. Тажриба даласи тупроқларда ҳаракатчан азот миқдори ғўзани оқ жўхори билан тўсган вариантда йиллар бўйича 12-13, фосфор бўйича 8-10, калий бўйича 115-125 мг/кг ни ташкил этди. Ғўзани кунгабоқар билан шамолдан тусганда ҳам оқ жўхори билан тусганга ухшаган NPK билан жуда паст таъминланган. Мўлжалдаги ҳосилни етиштириш учун юқори миқдордаги азот, фосфор ва калий қўллашга тўғри келади.

9. Ғўза ва оқ жўхори экилган тажрибада биринчи суғориш 1250 м³/га берилган бўлса, иккинчи суғоришда 1210 м³/га ва учинчи суғоришда 1260 м³/га, мавсумий суғориш меъёри 3760 м³/га, ғўза ва кунгабоқар тажрибасида юқоридагиларга мос ҳолда 1220; 1190 ва 1230 м³/га, 3640 м³/га ёки ғўза ва оқ жўхори тажрибасига нисбатан 120 м³/га кам сув берилганлиги аниқланди.

10. Ғўза оқ жўхори ва кунгабоқар экилган тажрибада назорат вариантыда кўсаклар сони бир туп ғўзада ўртача 7,7 донани, кунгабоқар билан тўсилганда, кунгабоқар-2160 м², ғўза 7840 м² қилиб экилган вариантда 8,2 ; кунгабоқар-1800 м², ғўза 8200 м² қилиб экилган вариантда 8,9; кунгабоқар-1440 м², ғўза-8640 м² вариантда 8,3 ва 3,7 донани ташкил этди. Энг юқори кўрсаткич ғўза ва оқ жўхори экилган тажрибада, оқ жўхори 2160 м², ғўза 7840 м² қилиб экилган кулис вариантыда назоратга нисбатан кўсак сони 2,4-2,8 ва 0,9 дона кўп эканлиги аниқланди.

11. Тақирсимон тупроқлар шароитида шамол эрозиясига қарши курашда тўсиқ ҳосил қилинган кулис яъни оқ жўхори 1800 м², ғўза 8200 м²да ҳамда кунгабоқар 1800 м² ва ғўза 8200 м² да энг юқори пахта ҳосили, иккала вариантда ҳам назоратга нисбатан кўшимча ҳосил олишга эришилди.

Иқтисодий жиҳатидан энг оптималь вариант ернинг 8200 м² ғўза, қолгани оқ жўхори ва кунгабоқар эгаллаган вариант бўлди.

12. Қашқадарё шароитида ғўзани шамол эрозиясига қарши лойиҳалашда ишни учиничи гуруҳ ерлардан бошланиши керак.

13. Қашқадарё вилоятининг суғориладиган тақирсимон тупроқлар шароитида шамол эрозиясига қарши курашда ғўза 8200 м² ва шамолга қарши тўсиқ сифатида оқ жўхори 1860 м² қилиб, гектарига N-200, P₂O₅-140, K₂O-100 кг/га (экишдан олдин P-140, K-100 кг/га, азотни шоналашда-75 ва гуллашда 125 кг/га) қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01. ПРИ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

АХМЕДОВ ШАХРИЁР ЭГАМНАЗАРОВИЧ

**Дефляционные процессы в земельных песчано-климатических
условиях Кашкадарьинского региона, теоретическое и практическое
значение борьбы с ними**

06.01.01 - Общее земледелие. Хлопководство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В 2017.2.PhD/Qx81.

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресам www.cottonagro.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net/uz

Научный руководитель: **Мирзажонов Қирғизбой Мирзажонович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор, академик

Официальные оппоненты: **Саломов Шавкат Турабович**
доктор сельскохозяйственных наук, с.н.с

Норкулов Усмон Норкулович
кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация: Самаркандский сельскохозяйственной институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01 по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Аккавак, ул. УзПИТИ, Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-34; e-mail: g.selek@qsxv.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № __). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Аккавак, ул. УзПИТИ Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-34; e-mail: g.selek@qsxv.uz

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года.)

Ш.Ж.Тешаев
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор

Ф.М.Хасанова
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., старший научный сотрудник

Ж.Х.Ахмедов
Председатель научного семинара по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации.

В настоящее время по всему миру увеличиваются сельскохозяйственные площади, подверженные дефляции и деградации. В результате действия процессов ирригационной и ветровой эрозии, засоления, загрязнения и заболачивания почв, ухудшается мелиоративное состояние земель снижается плодородие почв. Ветровая эрозия наносит ущерб различной степени более 28% посевных площадей по всему земному шару, что приводит к снижению продуктивности земель и более низким урожаям.

В результате проведения работ по защите почв от ветровой эрозии в хлопкосеющих странах мира происходит оптимизация микроклимата сельхоз площадей, улучшается водный и питательный режим почв, экономится оросительная вода, а также наблюдается повышение урожая хлопка-сырца и качества волокна. Поэтому, особую актуальность обретает проведение научных исследований по защите сельскохозяйственных культур и почв от ветровой эрозии, уменьшению наносимого вреда разными ядовитыми химическими веществами на посевных площадях в результате переноса их ветрами, оздоровлению экологического состояния и предотвращения дефляционных процессов.

В сельском хозяйстве Республики, за счёт предотвращения вредного воздействия ветровой эрозии, достигается сохранение плодородия почвы и уменьшение загрязнения окружающей среды от различных химических веществ, улучшение мелиоративного состояния земель, а также повышение урожая и качества продукции. Следовательно, снижение отрицательного влияния процессов ветровой эрозии на орошаемые земли и улучшение их экологического состояния, является основными задачами исследований. Высокую эффективность в борьбе с ветровой эрозией и снижения вредного ее воздействия в зоне песчаных холмов, барханов и песчаных почв на хлопковых полях при скорости ветров свыше 15 м/сек показало создание лесных полос, курис и применение агротехнических мероприятий. В рамках Стратегии Развития Республики Узбекистан предусмотренной на 2017-2021 годы, одной из основных задач является «Применение интенсивных методов в сфере сельскохозяйственного производства и прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, охрана окружающей среды». В результате защиты хлопковых площадей республики от ветровой эрозии достигается сохранение плодородия почвы, снижаются потери в результате избыточного сева семян, экономия их дополнительного расхода, а также горюче-смазочных материалов и рабочей силы.

Диссертационная работа в определенной степени отвечает практическому выполнению задач, определенных постановлением Президента Республики Узбекистан от 19 апреля 2013 года за № ПП-1958 «О мерах по дальнейшему улучшению мелиоративного состояния

орошаемых земель и районированному использованию водных ресурсов на период 2013-2017 годы» и постановлением кабинета Министров Республики Узбекистан ПКМ № 261 от 28 ноября 2008 года «О мерах по совершенствованию формирования и реализации программ мелиоративного улучшения орошаемых земель», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этом направлении.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.

Данная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан У «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды»

